



Билим ва тажриба
уйғунлиги —
бирламчи омил

2-с.

Астойдил интилган одам
томдан барака, сувдан хазина,
хонадондан ҳаловат топади

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№48
(2376)

2026 йил
17 июнь,
ЧОРШАНБА

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

МАҲАЛЛАЛАРДА КўЧА СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон ва Латвия ўртасида маҳалла даражасида тажриба алмашиш, ёшлар сиёсати ва спорт бўйича ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси делегациясининг Европа мамлакатларига амалга оширган хизмат сафари якунлари ҳамда эришилган келишувлар доирасида Латвиянинг лойиҳа амбассадораси Анастасия Удалова билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ёшлар сиёсати ва халқаро ҳамкорлик йўналишида фаолият юритаётган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Мулоқот давомида Уюшма раиси Қаҳрамон Қуронбоев мамлакатимизда маҳалла тизимини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳақида сўз юритди. Шунингдек, Латвия тажрибаси асосида ёшларни спортга кенг жалб қилиш, улар билан ишлашнинг самарали тизимлари, маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда халқаро тажриба алмашинуви масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистонда ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш, маҳаллаларда кўча спорт ўйинларини ташкил этиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган истиқболли ташаббуслар юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар Ўзбекистон делегациясининг Латвиядаги тажриба алмашиш дастурларида иштирокини йўлга қўйиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда янги ташаббусларни биргаликда ишлаб чиқиш масалаларини ҳам кўриб чиқдилар. Ташкилланганидек, мазкур мулоқот икки давлат ўртасида ёшлар салохиятини юксалтириш, инновацион гоёларни қўллаб-қувватлаш ва истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Меҳмон ташриф доирасида Уюшманинг медиа маркази фаолияти билан ҳам танишди.

Бизни ижтимоий
тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh



БИРДАМЛИК, БИРОДАРЛИК, БУНЁДКОРЛИК



“ЎЗБЕКИСТОН” МАҲАЛЛАСИ:

ҚАРДОШЛИКНИНГ МУҲТАШАМ ЁДГОРЛИГИ

Туркия Республикасининг Хатай вилояти Арсуз туманида барпо этилган “Ўзбекистон” маҳалласининг тагтапалш очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур маҳалла нафақат замонавий тураржой мажмуаси, балки икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ва инсонийлик қадриятларининг ёрқин рамзи ҳамдир.

Маҳалла ҳудудидаги ҳар бир объектда ўзбек ва турк халқларининг муштарак тарихи, маданияти ва қадриятлари акс этган. Бу ерда Самарқанд ва Тошкент номлари берилган кўчалар, Бухоро жоме масжиди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номи билан аталувчи бульвар, Ўзбекистон-Туркия дўстлигини ифодаловчи боғ барпо этилган. Шунингдек, миллий анъаналаримизга хос тандир ва ўчоқлар билан жиҳозланган маҳалла ошхонаси, болалар майдончалари, дам олиш ҳудудлари аҳоли учун барча қулайликларни яратган.

Давоми 2-саҳифада.

“ТОП-100”:
СИЗНИНГ ҚАНДАЙ
ТАШАББУС ВА
ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“ТИНГ ЛАСАНГИЗ, ИШОНЧНИ ЎЙФОТАСИЗ, АГАР КўМАК БЕРСАНГИЗ, ҲАЁТ ЯНГИЛАНАДИ”



Бугун маҳалладаги ишлар бир шахснинг саббй ҳаракати билан эмас, “маҳалла еттичилиги”нинг ҳамжиҳат ва тизимли фаолияти билан амалга ошириляпти. Энг муҳими, биз бир-биримизнинг ишларини тўлдириб, аҳоли муаммосига битта жамоа сифатида ёндашамиз.

Ойикримча, маҳалла бошқарувидаги энг муҳим мезон — одамларни тинглай билишдир. Аҳоли дардини эшитмаган раҳбар ҳеч қачон ҳақиқий натижага эриша олмайди. Шунинг учун биз ҳар бир хонадонга кириб боришга, муаммони жойида ўрганишга, одамлар билан очик мулоқот қилишга алоҳида эътибор қаратялмиз.

Одамлар билан мулоқот фақат қозғоьда ёки ҳисоботларда акс этмаслиги керак. У ҳаётнинг ўзида, ҳар бир хонадоннинг дарди ва эҳтиёжи билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур. Маҳалла ходими ҳар куни ишга чиққанида “бугун қанча инсон муаммосига ечим топаман?”, “қанча оиланинг ҳаётига енгиллик киритаман?”, деган масъулият билан ҳаракат қилса, ҳақиқий ўзгариш шунда бўлади.

2-саҳифада.

5-саҳифа



Ҳунар ўрганганми, демак, ҳаёт сирларини ҳам теран англаган

7-саҳифа



Шошилинч эмас, англаб қабул қилинган қарор тўғридир!

МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ

ҲАҚИҚИЙ МУВАФФАҚИЯТ ЙўЛИ, БУ — ИСТЕЪДОД, МЕҲНАТ ВА САБР ЎЙҒУНЛИГИДИР!

Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Жалолиддин Машарипов бугун мамлакат футболда энг танилган ва эътироф этилаётган ярим ҳимоячилардан бири саналади. Аммо унинг профессионал йўли осон кечмаган. Футболчининг ҳаётидаги ҳар бир босқич ортида машаққат, интилиш ва ўз устида тинимсиз ишлаш ётади.



Жалолиддин 1993 йил 1 сентябрда Урганч туманида туғилган. Футболга бўлган қизиқиши болалиқдан шаклланган бўлиб, бу йўлда унинг акаси Жамолиддин Машарипов катта таъсир кўрсатган. Илк футбол сабоқларини устози Олимбой Давлатовдан олган. У айнан шу даврда футбол фақат ўйин эмас, балки қаттиқ меҳнат талаб қиладиган касб эканини англай бошлаган.

ЛОҚАЙДЛИК ВА БЕФАРҚЛИККА БАРҲАМ БЕРДИК, ЮТҚАЗМАДИК, ФАҚАТ ЮТДИК



8-саҳифа


4-САҲИФА

“ҲЕЧ КИМДА “БУ МЕНИНГ ВАЗИФАМ ЭМАС”, ДЕГАН ҚАРАШ ЙўҚ”


Меҳнат қилишнинг ҳикмати катта. Ишлаган одам вақт қадрини билади, режали тарзда ҳаёт кечиради. Қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги жамият ривожини учун хизмат қилади.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ “Uzbekistan Airways”ни трансформация қилиш ва IPOга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.



Албания Республикаси Президенти БАЙРАМ БЕГАЙ 16-17 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.



Германия Федератив Республикаси Президенти ФРАНК-ВАЛЬТЕР ШТАЙНМАЙЕР 17-18 июнь кунлари Ўзбекистонга ташриф буюради.

2

Mahalla

№48

2026 йил 17 июнь, ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

БИРДАМЛИК, БИРОДАРЛИК, БУНЁДКОРЛИК



Маълумки, 2023 йилнинг февраль ойида Туркиянинг бир қатор ҳудудларида юз берган вайронкор zilzila юз минглаб инсонлар тақдирига таъсир кўрсатиб, катта иқтисодий ва ижтимоий талафотларни келтириб чиқарган эди. Ана шундай оғир ва синовли кунларда Ўзбекистон қардош Туркия халқининг дардини ўз дарди, деб билди. Фожиа содир бўлган дастлабки кунларданоқ мамлакатимиз кенг қўлам-ли гуманитар ёрдам кўрсатди.

Қисқа вақт ичида 100 нафардан ортиқ кўтқарувчи ва 70 нафар тиббиёт ходими zilzila ҳудудларига етиб бориб, қидирув-кўтқарув ҳамда тиббий хизмат ишларини ташкил этди. Ўзбекистонлик мутахассислар олиб борган савй-ҳаракатлар натижасида 18 нафар инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинди, қарийб 200 нафар жабрланган фуқаро вайроналар остидан олиб чиқилди. Шунингдек, ташкил этилган дала шифохонасида 4 минг нафардан зиёд беморга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда Туркияда zilzila оқибатларини бартараф этиш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилляпти. Ана шу хайрли савй-ҳаракатлар доирасида Ўзбекистон Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида, Урта ер денгизи соҳилида замонавий тураржой мажмуасини бунёд этди. Ушбу мажмуа 24 та кўп қаватли уйдан иборат бўлиб, 300 дан ортиқ тўлиқ жиҳозланган хонадонни ўз ичига олади.

Барча муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий ва маиший инфратузилма объектлари билан таъминланган мазкур маҳалла нафақат қурилиш лойиҳаси, балки меҳр-оқибат ва инсоний бирдамлик намунаси сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Зилзиладан жабр кўрган юзлаб оилалар учун барпо этилган бу маскан икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари ва қардошлик ришталарининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов, Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Нуман Куртулмуш Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг сиёсий иродаси, ўзаро ишонч ва узоққи кўзлаган оқилона ишсёти тўғййли икки давлат муносабатлари мутлақо янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда zilzila қардош турк халқи учун катта синов бўлгани, шундай оғир вазиятда Ўзбекистон биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўзган давлатлардан бири сифатида амалий кўмак кўрсатгани мамнуният билан тилга олинди.

Очилиш маросими доирасида Ўзбекистон санъат усталари иштирокида байрамона концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, делегация аъзолари маҳалла ҳудудида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Янги хонадонларга кўчиб келган аҳоли вакиллари билан мулоқот қилинди, улар учун яратилган шарт-шароитлар кўздан кечирилди. Сўхбатлар давомида ҳатайликлар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва мамлакат ҳукуматига санимий миннатдорлик билдириб, қийин кунларда кўрсатилган бегараз ёрдамни ҳеч қачон унутмасликларини таъкидлади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

"ТИНГЛАСАНГИЗ, ИШОНЧНИ УЙЎТАСИЗ, АГАР КЎМАК БЕРСАНГИЗ, ҲАЁТ ЯНГИЛАНАДИ"

Акбар ТОҒАЕВ, Пастдарғом туманидаги “Баҳор” маҳалласи раиси.

Ил бошида маҳаллаимизда 45 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган эди. Бу рақам ортида турли тақдирлар, турли эҳтиёжлар бор эди. Биз уларнинг ҳар бири билан алоҳида ишладик: кимдир касбга эга, аммо иши йўқ; кимдир тадбиркорлик қилиш истагиди; яна кимдир моддий имконият сабаб иш бошлай олмаётган эди.



Натижада бугун ушбу 45 нафар фуқаронинг барчаси ишсизлар тоифасидан чиқарилди. Бу ишда “еттилик” аъзоларининг ҳамжиҳатлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Масалан, Ҳумор Болиевага тикув машинаси харид қилиш учун 10 миллион сўм кредит ажратилишига кўмаклашдик. Бугун у тикувчилик орқали нафақат ўз оиласи даромадида ҳисса қўшмоқда, балки маҳалладаги аёлларга ҳам хизмат кўрсатиб келяпти. Муҳайё Баратовга эса қорамол сотиб олиш учун 30 миллион сўм кредит ажратилди.

Бу мисоллар бир ҳақиқатни кўрсатади: инсонга бир марталик ёрдам беришдан кўра, унинг мустақил меҳнат қилиб, барқарор даромад топишига шароит яратиш муҳимроқ. Маҳаллаимизда айнан шу таъмоийл устувор ҳисобланади.

“ТОП-100” талик рўйхатига киришимизда маҳалла инфра-тузилмасини яхшилаш бораси-

даги ишлар ҳам муҳим омил бўлди. “Маҳалла бюджети” маблагларидан самарали фойдаланиш орқали аҳолининг кундалик ҳаётига дахлдор муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қиляпмиз. Йил бошида жамғармада 26 миллион сўм маблаг шакллантирилган бўлса, бугун ушбу маблаглар ҳисобидан тўнги ёритиш чироқлари ўрнатилди, 700 метр узунлидаги ичимлик сув қувури янгиланмоқда, пиёдалар йўлакчаси барпо этилди.


Энг муҳими, бу қарорлар идорада эмас, аҳоли билан маслаҳатлашган ҳолда қабул қилинади.

Маҳаллаимизнинг жиноятчилик ва оилавий ажралишлардан холи экани билан алоҳида фахрланамиз. Бу, аввало, халқимизга хос қадриятларнинг сақланиб қолаётгани натижасидир. Қишлоғимизда катталарга ҳурмат, қўни-қўшничиликка эътибор, ёшлар тарбиясига эса бутун маҳалла масъул, деган ёндашув шаклланган.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Ҳудудларда маҳалла раислари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган семинарлар давом этапти.

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ — БИРЛАМЧИ ОМИЛ



арғона вилоятида маҳалла раислари учун уч кунлик ўқув-амалий семинар ташкил этилган бўлиб, унга ҳудуддаги 1 017 нафар маҳалла раиси навбат ассосида жалб этилмоқда.

Семинарда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилиняпти. Шунингдек, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимоя, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, фуқаролар мурожаатларини самарали ҳал этиш ҳамда маҳалла бошқарувида замонавий ёндашувларни қўллаш бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Ўқувлар доирасида илгор тажрибалар алмашинуви, маҳаллалардаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш услублари бўйича очик мулоқотлар ташкил этиляпти.

Тошкент вилоятида ўтказилаётган семинарларда эса маҳалла раислари фаолияти самарадорлигини ошириш, жойларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ва натижадорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Семинар давомида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда экологик маданиятни юксалтириш бўйича маърузалар ва амалий машғулотлар ташкил этилди.



ҲАМКОРЛИК

Хитойнинг Цзинхэ уезида маҳалланинг ўзига хос шаклига асос солинган.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, журналист.

Уезднинг Цзинфу жамоатчилигида (улар маҳаллани шундай деб атайди) 1 609 та хонадон, 4 933 нафар аҳоли яшайди. Қолаверса, улар орасида хан миллатидан ташқари уйғур, қозқ, татарлар ҳам бор.

Бу ерда ҳам бошқа ҳудудлардаги каби ижтимоий, иқтисодий муаммолар бўлган. Кимдир ишсиз, кимгадир молиявий кўмак керак, яна бирисининг касбий малакаси, хунари йўқ. Шунда Цзинхэ уезди бошқарувчи Цзинфу жамоатчилигини тузишга қарор қилди. Бунинг учун бино ажратилди. 17 та иш юритувчи ишга жалб қилинди. Унинг таркибида жамоатчилик раиси, ўринбосари, полиция вакили, касб ўргатувчи усталар, иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи ва ёшлар етакчиси бор. Қўриниб турибдики, у Ўзбекистон маҳаллаларига жуда ўхшаш. Ҳозир бу ерда ишсизлар, кам таъминланганлар, солиқ тўловчилар, ёшлар, аёллар билан ишлаш комиссиялари бор.

БИР ТИЗИМ, ИККИ ТАЖРИБА, АММО МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

— Биз ҳар бир хонадон паспортини яратдик ва шу асосда аниқ маълумотга таяниб индивидуал режалар тўздик, — дейди Цзинхэ жамоатчилиги раиси Зўргул Абдукарим. — Аввало, камбағалликка барҳам берилди. Турли йўллар қўлладик. Касб ўргатдик, ўқитдик, шогирдликка жалб этдик. Ҳозир эса уйда қолган аёлларга қозғондан гуллар кесиш, болалар уйинчоқлари ясаш каби ғуруҳлар очганмиз. Улар бу ерда касб ўрганади ва яна сотилган маҳсулотдан даромад топади.



Бу ерда турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстона, ҳамжиҳат муносабат, одамлар бир тақдир эгалари эканини англаш, тинч-тотув яшаш неъматини қадрлашга ўрганади.

Ўзбекистоннинг маҳалла тажрибаси Хитойда барқарор тузилмага айланмоқда.

Мен кўп йиллик фаолиятим давомида бир ҳақиқатга амин бўлдим: маҳалланинг асл кучи — инсонлар бирлигидадир. Агар одамлар ўзаро меҳрли, масъулиятли ва бирдам бўлса, энг оғир муаммоларни ҳам енгиб ўтиш мумкин.


Катта ютуқлар бир кунда келмайди. Улар ҳар куни ҳал қилинган кичик муаммолар йиғиндисидир. Шунинг учун ҳар бир кун — муҳим. Эришилган ютуқлар билан чекланиб қолиш ниятимиз йўқ. “ТОП-100” талик рўйхатдан ўрин олиш — биз учун марра эмас, янги босқичнинг бошланиши. Биз учун энг катта мақсад — ҳар бир хонадонда фаровонлик, ҳар бир оилада тинчлик ва ҳар бир инсон ҳаётида ижобий ўзгаришни таъминлашдир.



Сахифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



Ўзбекистонда
МУҲИМ
МИНЕРАЛЛАР
БЎЙИЧА
4,2 миллиард
долларлик
120 та лойиҳа
амалга оширилади.



ҲОКИМЛАР
ҲАМДА УЛАРНИНГ
ЎРИНБОСАРЛАРИ
худудий Халқ
қабулхоналарида
мунтазам равишда
шахсий қабуллар
ўтказишади.



ҚАРОР ЛОЙИҲАСИ:
ишлаб чиқарилганига
30 йилдан ошган
автомобиль эгалари
ҳар йили компенсация
тўлашга мажбур
булади.

2026 йил
17 июнь,
ЧОРШАНБА

Mahalla №48

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС
ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ОСОЙИШТАЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК — ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОРЛИГИ МАҲСУЛИ

Яқинда маҳалламиз идорасига турмуш ўртоғи билан бир неча йил хорижда меҳнат миграциясида бўлиб қайтган, аммо юртимизда ўз йўлини топишга қийналаётган Ирода Ғойибназарова кириб келди. Кўзларида хавотир, эртанги кунга ишончсизлик бор эди...

Бизнинг худуддаги бирдамлик, ҳамжиҳатликни кўрган киши катта ва аҳил оилани кўз олдида келтириши табиий. Кўп қаватли уйлар орасидаги осойишталик, фуқароларнинг юзидаги хотиржамлик “еттилик” ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлиги маҳсулидир.



НАВОЙЙ

Зилола ТОШЕВА,
Навоий шаҳридаги
“Чинор” маҳалласи раиси.

У билан узоқ суҳбатлашиб, қизи-қишларини ўргандик. Ўзига субсидия асосида тикув машинаси бердик, турмуш ўртоғини доимий ишга жойлаштирдик. Бугун шу оила табдиркорлигини бошлаб, оиласини боқяпти. “Маҳаллабай” тизимининг кучи ҳам аслида шунда — биз муаммони хонада ўтириб эмас, инсоннинг ичига кириб, дардини эшитиб ҳал қиляпмиз...



КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА

АСТОЙДИЛ ИНТИЛГАН ОДАМ ТОМДАН БАРАКА, СУВДАН ХАЗИНА, ХОНАДОНДАН ҲАЛОВАТ ТОПАДИ

Уйма-уй юрар экансиз, маҳаллада ўзига хос табдиркорлик муҳитига гувоҳ бўласиз. Ишсизликдан холи худудга айланиб бораётганимизнинг муҳим омилларини ўз кўзингиз билан кўрасиз.



НАМАНГАН

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нозимжон САМАНДАРОВ.
Нурота тумани:

— Хусусий корхонада ишлайман. Ҳафтанинг маълум кунларида тунги навбатчилик асосида меҳнат қиламан. Лекин бунинг учун қўшимча ҳақ тўланмайди. Қонунчиликка кўра, шу вазиятда менга қўшимча ҳақ берилиши керакми?

“ТУНГИ ВАҚТДА ИШЛАСАМ, ҚЎШИМЧА ҲАҚ ТЎЛАНАДИМИ?”



Абдорбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Меҳнат кодексига кўра, соат 22-00 дан то соат 06-00 гача бўлган вақт тунги вақт ҳисобланади. Шу тартибга асосан, ҳар кун белгиланган иш давомийлигининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, иш ҳафтасининг давомийлиги бир соатга қисқартирилади. Агар жамоа шартномасида бошқа қридалар мавжуд бўлмаса, иш давомийлиги қисқартирилмайди.

“Вақтбай” тизимда тунги меҳнат учун ҳақ тўлаш ҳар бир соат учун 1,5 ёки ундан ортиқ миқдорда, “ишбай” тизимда соатлик тариф шаклининг эллиқ фоизи ёки ундан ортиқ миқдорда бўлади. Шунингдек, тунги вақтдаги иш учун қўшимча тўловлар жамоа шартномасида ёки ички ҳужжатларда белгиланади.

Тоҳир ТУРСУНОВ,
Янги Наманган туманидаги
“Гўзал” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Исроил Расулов 30 йилдан буён паррандачилик сир-асрорларини ўрганиб, бугунги кунда ўз хонадонини ҳақиқий даромад манбаига айлантирган. Фаолиятидаги энг катта юксалиш икки йил олдин бошланди.

Ўтказилган хатловда бўш майдондан фойдаланиш имкониятини тўғри баҳолай олдик. Соҳада тажрибаси катта бўлса-да, нега фаолиятини кенгайтира олмаётганини таҳлил қилдик. Шу асосида ғояни лойиҳага айлантиргач, молиявий кўмак бердик. Натижада ноанъанавий шаклдаги замонавий паррандачилик мажмуаси юзага келди. Яъни, уй томида бедана, жўжа, ўрдак жўжаси, манзарали ва ноёб қушлар парвариши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, паррандалар учун сифатли озуқа ишлаб чиқарила бошланди. Шу орқали 6 нафар оила аъзосининг бандлиги таъминланди. Меҳнат, сабр, тажриба ва ташаббус бирлашиб, мана шундай юқори натижага олиб келди.

Яна бир табдиркоримиз — Ғанихон Дадабоев ҳам анъанавий чекловларни четга суриб, шаҳар шароитида балиқчилик билан шуғулланиш ва юқори даромад олиш мумкинлигини исботлади. Сой бўйида ташкил этган балиқчилик корхонасида ҳозир ўзи ва 4 нафар оила аъзоларининг бандлиги таъминланди.

Табдиркор Талиб Абдуллаев эса “Valley toys” масъулияти чекланган жамияти ташкил этиб, болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқаришини йўлга қўйди. Корхонада 30 нафар аҳоли ишли бўлди. Қолаверса, кооперация усулда 70 та хонадонга хомашё бериб, тайёр маҳсулот олмоқда. Шу йўл билан яна 100 нафарга яқин юртдошларимизни банд қилди.



ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

Ёз ойларида эртапишар сабзавотлар, дон ва бошқа экинлардан бўшаган майдонларда сабзини такрорий экин сифатида экиш яхши натижа беради. Агар қондаларга амал қилинса, кузги ва кишки истеъмол ҳамда сақлаш учун сифатли ҳосил етиштириш мумкин.

Такрорий экин сифатида сабзи сифатли ҳосил

Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар
миллий маркази директори.

Хозир бу амалиёт учун айни вақт. Яъни такрорий сабзи, одатда, июнь ойининг иккинчи ярми — июль ойининг охиригача экилади. Муддатни кечиктирмаслик юқори ва сифатли ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ерни тайёрлашда майдон ўсимлик қолдиқларидан тозаланиб, 25-30 см. чуқурликда ҳайдалади. Сунгра тупроқ майин ҳолатга келтирилиб, эгат олинади. Илдимеваси тўғри шаклланиши учун тупроқнинг юмшоқ ва ғовак бўлиши муҳим.

Уруғлар 1-2 см. чуқурликка экилади. Қатор оралари 60-70 см., ўсимликлар оралиги 5-8 см. қилиб қолдирилади. Гектарига ўртача 4-6 кг. уруғ сарфланади.

Униб чиққунча тупроқ намлиги доимий сақланиши лозим. Кейинчалик тупроқ шароитига қараб, 7-10 кунда бир марта суғориш тавсия этилади. Ҳосил йиғимидан 15-20 кун олдин суғориш қисқартирилади.

Экинлар азот, фосфор ва калий ўғитлари билан меъёр асосида озиклантирилади. Азотнинг ортиқча берилиши илдимева сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Парваришда бегона ўтларга қарши курашиш, қатор ораларга ишлов бериш, яганалаш табдирларини ўтказиш лозим. Касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш табдирлари илдимева ривожланишини яхшилаб, ҳосилдорликни оширади.

Исроил Расуловнинг томдаги қушхонаси, Ғанихон Дадабоевнинг шаҳар марказидаги балиқчилик ҳўжалиги, Талиб Абдуллаевнинг юзлаб хонадонларни бирлаштирган ўйинчоқ корхонаси...

Булар шунчаки алоҳида муваффақият ҳикоялари эмас, балки давлатимиз раҳбари жорий этган “маҳаллабай” тизимининг инсонлар тақдирларидаги жонли ифодасидир. Юқоридаги мисоллар меҳнат ва тажрибага тизимли кўмак ҳамроҳ бўлса, ҳеч қандай чеклов тўсиқ бўла олмаслигига ёрқин исботдир.



Энг муҳими, қўшимча даромад манбаи яратилади, кишки мавсум учун сифатли маҳсулот захираси шакллантирилади.

Сабзи навиға қараб 90-120 кунда пишиб етилади. Ҳосил куз фаслида йиғиштириб олинади ва сақлаш омборлариға жойлаштирилади. Ўзига хос афзаллиги — бир майдондан йил давомида икки марта ҳосил олиш имконияти мавжуд.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Фуқароларнинг осойишталигини бузадиган ШОВҚИНЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИ УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНАДИ.



Хорижда яшаётган ёки чет элга сафар қилишни режалаштираётган Ўзбекистон фуқаролари учун КОНСУЛЛИК ХИЗМАТЛАРИ МОБИЛЬ ИЛОВАСИ ишга туширилди.



Пора олиш, бериш, унда воситачилик қилганлик учун ҳукм қилинган шахсларни жазодан МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ РАВИШДА ОЗОД ҚИЛИШ тақиқланади.

4

Mahalla

№48

2026 йил
17 июнь,
ЧОРШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



ФАРҒОНА

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Хунарли қизнинг иши пухта бўлади. Шу боис халқимиз азалдан келин излаганда, унинг пазандалиги-ю, чеварлигига алоҳида эътибор қаратишган. Ҳар юмушни саранжом-саришта бажарадиган, бичиш-тикишни жойига қўядиган зукко аёлнинг зеҳни ҳам ўткир бўлади.

ТАДОРИГИМИЗ ШУКИ, ЭРТАНГИ КУН БУГУНГИДАН ЯХШИРОҚ БЎЛСА...



НАМАНГАН

Муҳаббат ЖЎРАБОВЕВА,
Чортоқ туманидаги
“Ўзбекистон” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Бизнинг маҳалламизда ҳам оналар ўсмир фарзандининг хунар ўрганишига алоҳида эътибор қаратади. Айниқса, тикувчиликка иштиёқмандлар сони охириги йилларда анча ортган. Бунинг ўзига яраша сабаблари мавжуд. Биринчидан, мазкур йўналишни қисқа вақтда ўзлаштириш мумкин. Қолаверса, ҳудудимизда ўз соҳасининг устаси бўлган чаварларимиз кўп.



Орзухон Мўминова — шундай ташаббускорлардан бири. Аввалига икки қаватли бино қуриб, уни ижарага бермоқчи бўлган аёл кейинчалик тадбиркорлик бошлаш тўғриси йўл эканини англаб етди. Шундан сўнг имтиёзли равишда ажратилган 100 миллион сўм кредит эвазига барча керакли ускуналарни харид қилди. Ҳозир 18 нафар хотин-қизнинг доимий бандлигини таъминлаб, уларга 2,5 миллион сўмдан 5 миллион сўмгача маош берапти. Ўзига хос ва миллий анъаналаримиз асосида тикилган либослари бутун республикамиз бозорларига етиб борапти.

Назира Сиддиқова ҳам уста хунармандларимиздан. Мавсумий либослар тикиш билан шуғулланадиган чевар “Устоз-шогирд” анъанаси асосида ёшларга ўзи эгаллаган билимларни бериб келяпти. Аёл 10 нафар ходими билан экспорт учун маҳсулотлар етказаяпти.

Иш унган жойда ўз-ўзидан ортиқча гап-сўз ва ташвишларга ўрин қолмайди. Бунга қўли-қўлига тегмай меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз мисолида гувоҳ бўляпман. Ҳудудимиздаги ҳар бир хотин-қизнинг аниқ мақсад ва режалари бор. Ҳаммаси эртанги кунини бугундан яхшироқ қилиш тадориғида. Айниқса, касб эгаллаш истагини билдираётганлар аввалгига қараганда сезиларли даражада ортган. Айни вақтда 8 нафар опа-сингиллимиз турли соҳаларда ўқиб, малакасини оширяпти. Компьютер саводхонлиги ҳамда биринчи тиббий ёрдам йўналишлари анча талабгир.

Бундан ташқари, “Аёллар дафтари”га киритилган 99 нафар хотин-қизнинг 3 нафарига янги бизнес бошлаши учун кредит ажратилди. Қувонарлиси, фуқароларимиз имкониятлардан унумли фойдаланишни удалаяпти.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“ҲЕЧ КИМДА “БУ МЕНИНГ ВАЗИФАМ ЭМАС”, ДЕГАН ҚАРАШ ЙЎҚ”

Меҳнат қилишнинг ҳикмати катта. Ишлаган одам вақт қадрини билади, режали тарзда ҳаёт кечиради. Қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги жамият ривожини учун хизмат қилади.

Ёқубжон ЭРҒАШЕВ,
Бешариқ туманидаги
“Эшон” маҳалласи
раиси.



Маҳалла ривожига тадбиркорларнинг ҳиссаси катта. Улар қанча ўз устидан ишласа, янгилар қилса, аҳоли фаровонлиги ортиб бораверади. Шу мақсадда бир таклифим бор эди. Ҳудудимиздаги бўш ерларга инвесторларни таклиф қилиб, янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш ҳар жиҳатдан фойдали бўлар эди. Аҳоли оқимининг ортиши савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларини ривожланишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Бугун миллий хунармандчилик нафақат санъат, балки оила фаровонлигини таъминловчи ҳақиқий даромад манбаига айланмоқда.

ЖАҲОН САҲНИГА ЁЗИЛГАН ЎЗБЕК ГИЛАМИ

Бухоро ипак гилам маркази” корхонаси раҳбари Сабина Бурхонова ўз фаолиятини дастлаб уйда ўтирган 2 нафар хотин-қизни иш билан таъминлашдан бошлаган. Бугунги кунда эса бу ташаббус кенг қўлоқ ёзди: корхона қошидаги “Устоз-шогирд” мактабида 60 нафардан ортиқ қизга гилам тўқиш сири ўргатилди, ижтимоий ғимояга муҳтож 130 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди.

Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 838 минг долларни ташкил этади. Йилига 200 дан ортиқ ҳақиқий иппакдан тўқилган Бухоро гиламлари тайёрланиб, маҳсулотларнинг 100 фоизи хорижий сайёҳларга сотилади. Харидорлар географияси бениҳоя кенг: АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, БАА, Бразилия, Хитой ва бошқа ўнлаб мамлакатларга етиб бормоқда.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
матбуот хизмати



НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

БАРЧАСИ САБР ВА МЕҲНАТ БИЛАН ПАРВАРИШ ТОПГАН

Уzun туманидаги “Маландиён” маҳалласида истиқомат қилувчи Нодира Каримова узок йиллардан буён томорқадан самарали фойдаланиш сирларини пухта эгаллаб келмоқда. У ўз хонадонидан иссиқхона ташкил этиб, помидор етиштириш орқали оиласи даромадини оширишга эришган.



Нигина ШОЕВА,
журналист.

Томорқага меҳр билан қараш, ернинг имкониятидан оқилона фойдаланиш ва замонавий агротехник усулларни қўллаш натижасида бугун унинг меҳнати ўз самарасини бермоқда.

Тадбиркор аёлнинг таъкидлашича, иссиқхонада етиштирилган помидорлар эрта баҳордан бошлаб бозорга чиқарилади. Бу эса маҳсулотнинг харидориги бўлиши ва муносиб даромад келтиришига хизмат қилади.

— Аввалдан томорқа билан шуғулланиб келардик, — дейди Нодира Каримова. — Кейинчалик ер имкониятидан янада унумли фойдаланиш ҳақида ўйладик ва иссиқхона ташкил этдик. Бу усулнинг энг муҳим жиҳати — сабр ва меҳнат. Ҳар кун парвариш, суғориш, назорат талаб этилади. Ҳаракат қилган инсон, албатта, натижага эришади.

Дарҳақиқат, Нодира Каримова нафақат ўз хонадони, балки маҳалладаги бошқа хотин-қизлар учун ҳам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилаяпти. У ўз тажрибаси билан бўлишиб, томорқачилик ва иссиқхона ташкил этиш бўйича маслаҳатлар бермоқда, аёлларни меҳнат қилишга, даромад топишга ундамоқда.

Албатта, меҳнатсевар ва ташаббускор аёл бор хонадонда барака ва файз бўлади.

60-70 фоиз хонадонлар эса бодом ўстириш бўйича етарли тажрибага эга. Ўрта ҳисобда 5 сотих майдонга экилган 80-90 туپ дарахтдан йилига 300-400 килограммдан ошириб ҳосил олинади. Донаси йирик, юпка пўчоқ бу маҳсулот жуда харидоргир.

Маҳалламиз тузман марказидан анча олисда жойлашган. Бундан ташқари, қўчалар ҳали асфальт қилинмаган. Электр устунларни ҳам алмаштириш керак. Шу боис ҳудудимиз “Оғир тоифа” сифатида рўйхатга олинган. Ободонлаштириш ва янгиланиш жараёнилари авжида. Аҳолининг қўлай шароит ва муҳтда ҳаёт кечираши учун барча қўлайликларни яратиб бериш ҳаракатидамыз.

Илғор маҳаллалар сафига киришимизга эса “еттилик” ходимларининг ўзaro аҳил ва иноқлиги асосий омил бўлди. Ҳар қандай масалани маслаҳатлашишга, келишган ҳолда амалга оширишга одатланганмиз. Бу ёндашув доим ўз натижасини кўрсатади. Фикрлар бир-бирини тўлдирди. Тажриба ва малакалар уйғунлашади ва тўғри қарор қабул қилинади. Ҳеч кимда “бу менинг вазифам эмас”, деган қараш йўқ.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза РАҲИМХҲАЕВА
тайёрлади.



Марказий банк
август ойдан
бошлаб банкоматлар
орқали НАҚД ПУЛ
ЕЧИБ ОЛИШДАГИ
НОСОЗЛИКЛАР УЧУН
банкларни жаримага
тортади.



Ўқишни кўчиришда
миллий ва халқаро
сертификатларга эга
талабаларга
ЭНГ ЮҚОРИ БАЛЛ
БЕРИЛАДИ.




Тошкентнинг марказий
сайилгоҳларида
Ўзбекистоннинг жаҳон
чемпионатидаги
уйинлари КАТТА
ЭКРАНЛАРДА
НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.

2026 йил
17 июнь,
ЧОРШАНБА

Mahalla №48

5

“ИСТЕЪДОСЛИК ФАЙЛ-ҚИЗЛАР —
ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



НАВОЙЙ

МУВАФФАҚИЯТНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЙўЛИ, БУ — ИСТЕЪДОСЛИК МЕҲНАТ ВА САБР УЙЎНЛИГИДИР!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

“Янгиобод” маҳалласи раиси
Илҳом Амаевнинг таъкидлаши-
ча, Ж.Машарипов болалигидан
интизомли ва орзулари катта
бола бўлган.

— Жалолиддинни болалиги-
дан, ўзимнинг кўшим сифатида
яхши танийман, — дейди Илҳом
Амаев. — У оддий ва камтар
оила фарзанди. Болалигиданок
унинг ҳаракатчанлиги ва фут-
болга бўлган қизиқиши яққол
сезилиб турарди. У акаси Жамол-
лиддин билан кўчада футбол ўй-
нар, ундан ажралмас эди. Лекин
вақт ўтиб, ҳаёт йўллари бошқа-
ча бўлди — акаси бошқа соҳани,
Жалолиддин эса футболни тан-
лаб, ўз йўлини шу соҳада топди.

Мен унинг болалигини кўп
кузатганман. Кўпинча кўчада
дўстлари билан икки гиштни
дарвоза қилиб қўйиб, оддий
шароитда футбол ўйнарди. Ўша
оддий ўйинлар, менимча, унда
катта орзуларни уйроган. У ҳеч
қачон орзусидан қайтмаган,
доим ҳаракатда бўлган бола
эди. Ҳозир ҳам Жалолиддин
маҳаллага келиб туради. Уни
доимо ёшларга намуна қилиб

кўрсатамиз, маҳалла майдони-
дан ҳам жаҳон даражасидаги
футболчилар етишиб чиқиши
мумкинлигини Жалолиддин ми-
солида тушунтириб берамиз.

Профессионал фаолиятини
“Пахтакор” академиясида бош-
лаган Машарипов 2013 йилдан
асосий жамоага жалб этилди. У
дастлабки йилларда барқарор
ўйин кўрсатиш учун кўп меҳнат
қилди, чунки юқори даражадаги
рақобат уни янада кучли бўлиш-
га мажбур этарди. Унинг “Локо-
мотив”га қарши ўйиндаги дубли
эса фаолиятидаги муҳим бури-
лиш нукталаридан бири бўлди.

Шу ўйиндан сўнг у миллий
жамоага қақирилди. Эрон ва Хи-
тойга қарши учрашувларда кам
вақт ҳаракат қилганига қарамай,
у майдондаги ҳар бир дақиқадан
унумли фойдаланишга ҳаракат
қилди ва жамоага фойда кел-
тиришга интилди. Унинг ички
кечинмаси ҳамиша бир хил эди:
“Мен ўзимни исботлашим керак!”

Шу кунгача Ж.Машарипов
“Пахтакор”дан ташқари, “Ло-
комотив”, кейинчалик Саудия
Арабистонининг “Ан-Наср”,
Грециянинг “Пансерраикос” жа-
моаларида тўп сурди, ҳозирда у
Эроннинг “Истиқлол” жамоаси
аъзоси саналади.



Бу йўл осон бўлмади
— янги муҳит,
янги талаблар ва
юқори босим уни
доимий равишда
синовдан ўтказди.
Жароҳатлар эса унинг
фаолиятидаги энг
оғир босқичлардан
бири бўлди. У узок
вақт майдондан четда
қолди, тикланиш
жараёни эса руҳий
жиҳатдан ҳам қийин
кечди. Футболчи бу
даврда сабр ва ишонч
энг муҳим омил
эканини таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Жалолиддин Машариповнинг
йўли, бу — истеъдод, меҳнат ва сабр уйғунлигидир. Унинг
ҳаётидаги ҳар бир қадам ёш авлод учун илҳом манбаи
бўлиб хизмат қилади. Шуниси аниқки, ҳақиқий муваффақият
ортида доим катта меҳнат ва қийинчиликлар туради. Энг
муҳими, у ўзининг Жаҳон чемпионатидаги иштирокида
ҳам бу меҳнат ва сабрнинг мевасини кўрсатиб, Ўзбекистон
шарафини муносиб ҳимоя қилади, деган умиддамиз.

КИМДА ИҚТИДОР Йўқдир...

ТУШКУНЛИК, ЧОРАСИЗЛИККА МАЛҲАМ БЎЛГАН МАҲАЛЛАМ



Бир инсон чорасиз
қолганида, баъзан кичик
бир умид учқуни ҳам
яшашга бўлган иштиёқни
қайта уйғотади. Мен бунни ўз
ҳаётида ҳис қилдим...

Тушкунликка тушиб қолдим, гўё ҳаёт
чироғи аста-секин сўниб бораётгандек
эди. Моддий аҳволимиз ҳам осон
эмасди, ижтимоий рўйхатда турардик
ва болаларимнинг келажаги ҳақида
кўп қайғурардим.

Шундай пайтда маҳалла
ёшлар етакчисига мурожаат
қилиб, тадбиркорлик билан
шуғулланиш ниятим борли-
гини айтдим. Мурожаатим
бефарқ қолдирилмади. Му-
тасаддилар келиб холимдан
хабар олишди, режаларимни
тинглашди ва менга тўғри
йўл-йўриқ кўрсатишди.
Ёшлар етакчиси кўмагида
33 миллион сўмлик имтиёз-
ли кредит ажратилди. Шу ёр-
дам туфайли ўзимнинг кичик
хизмат кўрсатиш фаолиятим-
ни йўлга қўйдим. Сартарош-
хона очдим, музқаймоқ мос-
ламаси сотиб олдим, тикув
машиналари билан таъмин-
ландим. Буларнинг барчаси
аста-секин ўз самарасини
бера бошладим.

Бугун оиламга даромад
кириб келмоқда, фарзандла-
римнинг келажаги ишон-
чим ортди. Энг муҳими, на-

фақат ўзим, балки яна уч на-
фар инсонни иш билан таъ-
минлашга муваффақ бўлдим.
Бу эса менга янада катта куч
ва масъулият бағишлади.
Энди олдимда янги мақсад-
лар турибди. Тикувчилик
фаолияти учун алоҳида жой
тайёрлаб, бу йўналишни ҳам
кенгайтиришни режалаш-
тирялман. Натижада яна тўрт
нафар кишини иш билан
таъминлаш ниятдаман.

Бугун ортимга қараб,
қийинчиликлар ортидан
ёруғ кунлар келишига яна
бир бор амин бўляпман. Ме-
нинг энг катта орзум — қиш-
лоғимиз ва маҳалламизга
фойдаси тегадиган, одамлар
миннатдор бўлиб фойда-
ланадиган маскан яратиш.
Ишонаманки, меҳнат, сабр
ва кўрсатилган ёрдам туфай-
ли бу мақсадимга ҳам, албат-
та, эришаман.

..

ёшлар етакчиси сифатида
фаолият бошлаганимга
эндиgina беш ой бўлди. Шу

қисқа вақт ичида маҳалламиз-
даги кўплаб истеъдодли ва
меҳнаткаш ёшлар билан яқин-
дан танишиш бахтига муяссар
бўлдим. Ҳар бирининг ўз қи-
зиқиши, орзуси ва мақсади бор.
Айримлари спортда, баъзилари
таълимда, яна бошқалари ҳу-
нармандчиликда юксак нати-
жаларга эришиб келмоқда.

Мени, айниқса, кам учрай-
диган ҳунар эгалари бўлган
ёшларимиз хайратга солади.
Улар орасида мармарчилик ва
сангтарошлик билан шуғул-
ланаётганлари бор. Бу ҳунар
ташқаридан қараганда оддий-
дек туюлиши мумкин. Аслида
эса мармар ва гранитга ишлов
бериш катта маҳорат, сабр ва
матонат талаб қиладиган санъ-
атдир.

Ўзининг жиловкорлиги би-
лан ажралиб турадиган ушбу
санъат асари фақат қурилиш
учун эмас, балки безак ва ама-
лий буюмлар яратишни ҳам ўз
ичига олади. Мармарга ишлов
бериш жараёни, аввало, хом-
ашёни танлашдан бошланади.
Кейин тош махсус асбоблар
ёрдамида кесилади, шакл бе-
рилади ва сайқалланади. Сўнг
унга нақшлар, ёзувлар ёки тас-
вирлар туширилиб, тайёр маҳ-
сулот ҳолига келтирилади.

Бу ҳунар орқали турли бу-
юмлар — лаган ва товоқлар,
қосалар, сувенирлар, деворий
безаклар, ёдгорлик лавҳала-

ри, портретли паннолар ҳамда
миллий нақшлар билан беза-
тилган мармар буюмлар тайёр-
ланади. Ана шу санъатни пухта
эгаллаган ёшларимиздан бири
Азизбек Аминовдир. У гранит
ва мармарга бадий ишлов
бериш бўйича тенгдошлари
орасида алоҳида ажралиб ту-
ради. У яратётган буюмларда
меҳнат, дид ва миллий рух уй-
ғунлашган. Унинг маҳоратини
қурган инсон ҳар қанча фахр-
ланса арзийди.

Бу ҳунарнинг яна бир эъ-
тиборли жиҳати шундаки, у
устоз-шогирд аъёнаси асоси-
да давом этиб келмоқда. Ҳунар
ўрганиши фақат касб эгаллаш
эмас, балки инсоннинг тарбия-
сини ҳам шакллантиради. Устоз
ёнида юрган шогирд сабр қи-
лишни, босиқликни, одобни,
катталарга ҳурмат кўрсатишни
ва ҳушмуомалаликни ўргана-
ди. Ҳунарнинг ҳар бир сирини
эгаллаш учун, аввало, устозга
ҳурмат билан қараш керак.

Маҳалламиз ёшларининг
истеъдоди фақат ҳунармандчи-
лик билангина чекланиб қо-
лмайди. Улар спорт, санъатда,
маданиятда ҳам ютуқларга эри-
шиб, республика миқёсидаги
мусобақаларда қатнашмоқда.
Бўш вақтларини эса китоб му-
толаасига бағишлаган.

Шу ўринда бир оузимни
айтиб ўтмоқчиман. Маҳалла-
мизда замонавий, муъжазги-
на кутубхона ташкил этишга
зарурат бор. Баъзан йилгит-қиз-
лар мактаб кутубхонасининг
имконияти чеклангани, излаган
китобларини топа олмаганини
афсус билан айтиб қолишадим.
Шу боис келгусида билимлар
хазинаси бўлган шинам кутуб-
хона барпо этиш ниятидаман.


Ишонаманки, меҳнаткаш ва интилувчан ёшларимизнинг
сафи янада кенгайди. Уларнинг қўлида ҳунар, қалбида эзгу
нийат ва қўзида катта мақсадлар бор экан, маҳалламизнинг
эртанги куни янада порлоқ бўлади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Шаҳноза ҒОФУРОВА.
Термиз туманидаги
“Намуна” маҳалласи.

Икки йил олдин турмуш ўр-
тоғим вафот этди ва икки
нафар фарзандим билан ёлғиз
қолдим. Ўша кунлар ҳаётимдаги
энг оғир даврлардан бири бўлди.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



ЁШ ОИЛАГА ИЖАРА КОМПЕНСАЦИЯСИ ҚАНДАЙ БЕРИЛАДИ?

Наргиз
ЭШМУРОДОВА.
Тошкент шаҳри:

— Турмуш ўртоғим
билан ижара уйида
яшаймиз, оиламиз
Ижтимоий реестрга
киритилган. Бизга
ижара харажатла-
рини қоплаш учун
компенсация ажра-
тиладими?

Марат ЖўРАЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва
бандлик вазирининг биринчи
ўринбосари:

— Агар сиз ва турмуш ўртоғингиз
Ижтимоий реестрга кирилган ёш оила
тоифасига мансуб бўлсангиз ҳамда ту-
раржойини қонуний асосда ижарага олган
бўлсангиз, ижара харажатларини қоплаш
учун “my.gov.uz” портали орқали онлайн
тарзда мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз.
Амалдаги тартибга кўра, компенсация
12 ойгача бўлган муддатга ажратилади
ҳамда ҳар ой ижара тўловининг 50 фоизи-
гача қисми қоплаб берилади.



Бунда Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри
ва вилоят марказларида БҲМнинг
3 бараваригача, бошқа ҳудудлар-
да БҲМнинг 2 бараваригача маблағ
тўланади. Компенсация пули ҳар ой
ариза берувчининг ижтимоий карта-
сига ўтказиб берилади.

Шу билан бирга, ижарага берув-
чи шахс сиз ёки турмуш ўртоғингиз-
нинг яқин қариндоши бўлмаслиги
шарт. Қолаверса, компенсация олув-
чи ёш оилалар волонтерлик лойиҳа-
ларида иштирок этиш, китоб муто-
лааси ва белгиланган танлов ёки му-
собақаларда қатнашиш каби шарт-
ларга риоя этиши талаб этилади.



Хукумат маҳкумларни жазони ўташ даврида ўқиган КИТОБЛАРИ БЎЙИЧА ТЕСТ СИНОВЛАРИДАН ЎТКАЗИШ тартибини тасдиқлади.



Тошкентда иситиш ва иссиқ сув учун олдиндан тўлов бўйича имтиёз мuddати 12 ОЙДАН 2 ОЙГА ҚИСҚАРТИРИЛДИ.



Ижтимоий реестрдаги ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИНИ ҚОПЛАШ бўйича онлайн хизмат ишга туширилди.

6

Mahalla

№48

2026 йил
17 июнь,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

АНГ ЛАНГАН ҲАҚИҚАТ БИТТА: ИМКОНиятНИ ЭМАС, ИНТИЛИШНИ ЧЕКЛАБ БЎЛМАЙДИ!

Ҳаётда мақсадсиз инсон бўлмаса керак. Орзу-хавас ва интилиш эса доим ўзгариш ҳамда янгилинишларга туртки беради. Ҳар куни идорамизга кириб келадиган фуқаролар мисолида бу ҳақиқатга қайта ва қайта амин бўламан. Баъзан имконияти чекланган бўлишига қарамай, олға ҳаракат қилаётганларни кўриб, ҳавасим келади.



Шоҳсанам АБДУСАЛОМОВА, Муборак туманидаги “Ёшлик” маҳалласи ижтимоий ходими.

2024 йил 19 ноябрдан буён ижтимоий ходим сифатида фаолият юритаман. Ушбу мuddат мобайнида ижтимоий ҲИМОЯГА МУҲТОЖ, оғир турдаги шахслар билан биргаликда тизимли ишлар олиб бордим. Мақсадим — ҳар бир фуқаронинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларни жамиятга қайта мослаштириш ва мустақил турмуш кечириши учун зарур шароитларни яратишдан иборат. Шу йўналишда ҳозирга қадар 50 тага яқин кейс очилди ва уларнинг тахминан 90 фоизи ижобий натижа билан яқунланди.



Фаолиятимиз бир нечта босқичлардан иборат. Аввало, мурожаатчининг турмуш шароити ва эҳтиёжлари атрофлича ўрганилади, сўнг алоҳида режа тузиб, керакли ташкилот ва мутахассисларга йўналтирилади. Туман Инсон ижтимоий хизматлар маркази билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, фуқароларга 120 дан ортиқ хизматлар таклиф этилади.

Алина Эргашева билан олиб борган ишимиз шундай тизим асосида амалга оширилди. У 2025 йилда жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган фуқаролардан бири. Дастлаб аёл ҳаётини қандай тартибга солиш, қаердан ёрдам олишни билмас эди. Биз маҳалла даражасида зарур ёрдамларни таклиф қилдик, туман Инсон марказининг психологи унга режали тарзда психологик ёрдам кўрсатди. Шу билан бирга, кейс ме-нежмент ёндашуви асосида унинг ҳолатини умумий тарзда кузатиб, муаммоларига босқичма-босқич ечим топдик.

Натижада Алина оғир вазиятдан чиқиб, ишга жойлашди ва ўз даромад манбаига эга бўлиб, жамиятда муносиб ўрнини топди. Бу мисол бошқа кўплаб фуқаролар учун ҳам ижобий намуна бўлди ва маҳалла даражасидаги самарали ижтимоий ишларнинг аҳамиятини очиб берди. Келгусида ҳам биз шундай ишларни кенгайтириб, кўпроқ оила ва шахслар ҳаётини яхшилашга ҳаракат қиламиз.

ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

“Ижтимоий карта”: қулай, шаффоф ва тезкор

“Ижтимоий карта” тизими ижтимоий тўлов, субсидия ва бошқа кўллаб-қувватлаш чораларини тайинлаш, тақдим этиш, мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш жараёнларини рақамлаштиришга хизмат қилади.

Фаррух СУЛАЙМОНОВ, Ижтимоий ҲИМОЯ миллий агентлиги бўлим бошлиғи.

Лойиҳанинг асосий мақсади — аҳолининг ижтимоий ёрдам ва хизматлардан фойдаланишида ортиқча ҳужжатлар талаб қилинишига барҳам бериш, давлат ташкилотлари ўртасидаги маълумот алмашинувини рақамлаштириш ва ижтимоий кўллаб-қувватлаш чораларининг манзиллилигини таъминлашдан иборат. Таъкидлаш жоизки, 2025 йил 1 октябрдан бошлаб, лойиҳа республиканинг барча ҳудудларида жорий этилди. Шу йил 1 февралдан “Ижтимоий карта” бўйича фуқаролар мурожаатини қабул қилиш мақсадида “10-70” қисқа рақамли Ишонч телефони ишга туширилди.

2026 йил 1 июндан эътиборан, “Ижтимоий карта” жомат транспортида имтиёзли ёки бепул фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи транспорт картаси вазифасини ҳам бажармоқда.



Шунингдек, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича ихтиёрий сугурталанган шахслар учун бадалларни “Baraka” мобиль иловаси орқали тўлаш ва назорат қилиш имконияти яратилди.

2026 йил 1 июлдан бошлаб: • вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақала-

ри “Ижтимоий карта” орқали тўланади;

• давлат органлари ва ташкилотлари кўрсатадиган бир қатор ижтимоий хизматлар, субсидия, грант, имтиёз ва ижтимоий кафолатлар “Ижтимоий карта” платформасига босқичма-босқич ўтказилади.

Шу билан бирга, Ижтимоий реестрга киритилган оила вакилларига қонунчиликда белгиланган товарлар ва хизматлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тизимини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

2026 йил 1 июлдан бошлаб, “Visa Flex” технологияси асосида ижтимоий тўловларни назорат қилиш ва мақсадли йўналтириш имкониятлари кенгайтирилади. Бу бир фуқаро олаётган бир нечта ижтимоий тўловларни ягона электрон ҳамон орқали бошқариш имконини беради.

2026 йил 1 декабрдан эса нафақахўрларга ўз хоҳишига кўра, ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсияларни ижтимоий карта орқали олиш ҳуқуқи берилади.

Бугунги кунда ижтимоий карта кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, нафақа олувчилар, кўп болали оилалар, етим болалар, васийлар ва давлат ижтимоий кўллаб-қувватлайдиган бошқа тоифадаги фуқароларга бепул тақдим этиляпти.

“Ижтимоий карта” лойиҳаси давлат хизматларининг шаффофлиги ва манзиллилигини ошириш ҳамда аҳоли учун янада қулай ижтимоий экотизим яратишга хизмат қилмоқда.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНияТ ЧЕКСИЗ...

Ирода кучли бўлса, на ҳудуд, на чегара танлайди

Вобкент туманидаги “Сараосиё” маҳалласида яшовчи ногиронлиги бўлган, аммо ҳаётга ишончани йўқотмаган Чинора Ғуломованинг интилиши, билим олиш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишга бўлган иштиёқи таҳсинга сазовор.



Унинг мустақил ҳаракатланиши ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида ижтимоий ходим электрон юритмали ногиронлик аравачаси билан таъминлади. Бу эса Чиноранинг имкониятларини янада кенгайтириб, турли тадбирларда фаол катнашишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, у параспортнинг стол тенниси тури билан мунтазам шуғулланади. Чинора бир неча мартаба “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ташкил этилган спорт мусобақаларида иштирок этиб, ўзининг матонати ва спортга бўлган қизиқишини намойён этди.

Фаол ва ташаббускор ёш сифатида Чинора “VoiceUp-2026” инклюзив оромгоҳи иштирокчиси ҳам бўлди. Мазкур лойиҳа унга янги дўстлар орттириш, ўз салоҳиятини намойён этиш ва келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Келажакда Чинора ижтимоий ходим бўлишни орзу қилади. У ўзига кўрсатилаётган эътибор ва кўллаб-қувватлашни келгусида бошқаларга ҳам улашишни, эҳтиёжманд инсонларга ёрдам беришни мақсад қилган. Унинг ҳаёти йўли, қатияти ва эзгу орзулари кўплаб тенгдошлари учун ибрат бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий ҲИМОЯ миллий агентлиги матбуот хизмати.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Марҳабо ДАВЛАТОВА. Фарғона вилояти:

— Расмий ишламайдиган аёллар ҳам декрет пули олиши мумкинми? Бу қандай шартлар асосида амалга оширилади?

ТУҒИШ НАФАҚАСИ БЕРИЛАДИМИ?



Жасурбек ФАЗЛИДИНОВ, Ижтимоий ҲИМОЯ миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси бош мутахассиси:

— Агар аёл расмий иш жойига эга бўлмаса ҳам, айрим ҳолларда унга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланади. Бунинг учун қуйидаги шартлардан бири бажарилган бўлиши керак:

☑ аёл ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ва ихтиёрий ижтимоий сугурта бадалларини тўлаб келаётган бўлиши; ☑ аёл ишламаса, унинг учун турмуш ўртоғи ихтиёрий ижтимоий сугурта бадалларини тўлаб келаётган бўлиши керак.

Декрет пули олиш учун ихтиёрий сугурта бадаллари камида 10 ой давомида тўлангани, шундан охириги 6 ой узлуksиз бўлиши лозим.

Ихтиёрий сугурта бадаллари қанча узоқ мuddат ва мунтазам тўланган бўлса, тайинланадиган нафақа миқдори ҳам шунга мос равишда юқори бўлади.

Бунда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 бараваридан ошмайди. Бугунги кунда ушбу миқдор 6 миллион 355 минг сўмни ташкил этади.

Ихтиёрий ижтимоий сугурта бадалининг энг кам ойлик миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 фоизи миқдорида белгиланган бўлиб, ҳозирда 63 минг 550 сўмга тенг.



Ўзбекистон компанияларига чет элдаги бизнесларга 200 МИНГ ДОЛЛАРГАЧА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШГА рухсат берилди.



“Худудий электр тармоқлари” эски турдаги ҳисоблагичлар ўрнига ЯНГИСИНИ БЕПУЛ ЎРНАТИБ БЕРАДИ.



Апрелдан жорий этилган мажбурий эксроу тизими (нақд пулсиз) оқибатида УЙ ВА МАШИНА САВДОСИ СЕЗИЛАРЛИ ҚИСҚАРДИ.

2026 йил
17 июнь,
ЧОРШАНБА

Mahalla №48

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

МЕНДА САВОЛ БОР...

Акрам НИЁЗОВ. Самарқанд вилояти:

— Мен автомобиль олиб-сотиш билан шуғулланувчи корхона раҳбариман. Яқинда бир фуқародан 100 миллион сўмга автомобиль сотиб олиб, кейинчалик уни 130 миллион сўмга сотдик. Ҳисобчи ҚҚСни бутун 130 миллион сўмдан ҳисоблаш кераклигини айтди. Шу тўғрими? Ёки ҚҚС сотиб олиш ва сотиш нархи ўртасидаги фарқдан ҳисобланадими?

Автомобиль олиб сотганда ҚҚС қандай ҳисобланади?

Фаррух БОБОЕВ,
Самарқанд вилояти
солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Сизнинг ҳолатингизда ҚҚСни ҳисоблаш тартиби Солиқ кодексининг 248-моддасига асосан аниқланади. Ушбу меъёрга кўра, агар корхона жисмоний шахсдан автомобиль ёки уй-жой кўчмас мулк объектини айнан олиб сотиш мақсадида сотиб олган бўлса, кейинчалик уни реализация қилишда солиқ базаси бутун сотув қийматидан эмас, балки сотиш нархи билан сотиб олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиқиб ҳисобланади. Бунда мазкур фарқ таркибида ҚҚС ҳам ҳисобга олинган, деб қаралади.

Сизнинг мисолингизда автомобиль 100 миллион сўмга сотиб олинган ва 130 миллион сўмга сотилган. Демак, солиқ базаси 30 миллион сўмлик фарқдан шаклланади. ҚҚС қуйидаги тартибда ҳисобланади: $130\,000\,000 - 100\,000\,000 / 112 \times 12 = 3\,214\,285,71$ сўм. Шу сабабли мазкур ҳолатда ҚҚСни 130 миллион сўмнинг тулиқ қийматидан ҳисоблаш тўғри ҳисобланмайд.



Бироқ муҳим жиҳат шундаки, ушбу тартиб барча автомобиль сотувларига татбиқ этилмайди. Агар автомобиль корхона балансида асосий восита сифатида ҳисобда турган бўлса ва фойдаланиш учун олинган бўлса, кейин уни сотишда мазкур енгиллаштирилган ҳисоблаш қондаси қўлланилмайди. Чунки қонун фақат қайта сотиш мақсадида жисмоний шахсдан харид қилинган автомобиллар ва уй-жой объектлари учун ушбу махсус тартибни белгилаган.

Шунинг учун амалда ҚҚС ҳисоблашда объектнинг мақсади — олиб-сотиш учун товарми ёки асосий воситами — алоҳида аҳамият касб этади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Шошилинч эмас, англаб қабул қилинган қарор тўғридир!



Комиссия асосидаги даромад алоҳида ҳисобланиши, импорт амалиётлари эса ҳозирча амалдаги тартибда қолиши мумкинлигини тушунтирдим. Шунингдек, расмий изоҳ чиқмагунча ҳеч қандай шошма-шошарлик билан солиқ ҳолатини ўзгартирмасликни, аввал ҳисоб-китоб қилиб чиқишни тавсия қилдим. Суҳбат охирида тadbirkor қарорини шошмасдан қабул қилишини айтди. У учун энг муҳими кам солиқ тўлаш эмас, кейин муаммога қолмасдан ишлаш эканини тушунганини билдирди.

Маҳалладаги солиқ инспектори сифатида фаолият юритар эканман, баъзан қонуннинг ўзи эмас, уни одамлар қандай тушунаётгани катта аҳамият касб этишини кўраман. Айниқса, солиқ соҳасидаги янгиликлар жорий этилганда бу ҳолат янада яққол сезилади.

Давронжон АСҚАРАЛИЕВ,
Ўзбекистон туманидаги
“Қумбости” ва “Оқтепа”
маҳаллалари солиқ
инспектори.

Яқинда шундай ҳолат юз берди. Президентимизнинг “Тadbirkorлик субъектлари учун солиқ маъмуриятчилигини

янада соддалаштириш ва қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш чора-тadbirkorлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинган, маҳалладаги тadbirkorлар орасида янги 6 фоизли ҚҚС тартиби ҳақида саволлар кўпайди.

Қабул кунда маҳалламизда яшовчи бир тadbirkor келди. У хориждан маиший товарлар олиб келар, кейин уларни ўзи сотмай,

бошқа дўконларга комиссия шартномаси орқали тарқатар эди. Яъни унинг асосий даромади товарнинг ўзи эмас, воситачилик ҳақидан шаклланади. Тadbirkor янги тартиб ҳақида эшитиб, энди 6 фоизли тартибга ўтса, ҳамма амалиётлари шу ставка қўлланадими, импортда ҳам ҚҚС қамаядими, кейинчалик қайта ҳисоб-китоб чиқиб кетмайдими, деган хавотир билан келган экан. Унинг ҳужжатларини кўриб чиқдик. Шартномаларини ўргандик. Суҳбат давомида бир нарсани аниқ бўлди — у янги тартибни тулиқ тушунмай туриб, қарор қабул қилмоқчи бўлган.

Мен унга оддий қилиб тушунтирдим: ҳозир фармон чиққан бўлса-да, бу барча солиқ қондалари ўзгарди, дегани эмас. Айниқса, комиссия асосида ишлайдиган ва импорт қиладиган тadbirkorлар учун ҳозирча расмий тушунтиришлар йўқ. Шунинг учун 6 фоиз ҳамма жараёнга татбиқ қилинади, деб қарор қилиш тўғри бўлмайди.

Шу воқеадан кейин англадимки, солиқ соҳасида ҳам энг тўғри қарор аниқ тушунтиришдан бошланади.



ИБРАТ МАКТАБИ

Умр карвонида эзгулик из қолдиради

XX аср ўзбек миллий маорифи тарихига назар ташлар эканмиз, ўз ҳаёти, меҳнати ва фидойилиги билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшган зиёли инсонлар сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Ана шундай нузли инсонлардан бири — эл-юрт хурмати ва халқ хизматиға бағишлаган устоз Нарзи Ражабовдир.



Нарзи Ражабов 1928 йил 15 июнда Самарқанд туманидаги Даштакиболо қишлоқ кен-

гашига қарашли қадимий “Қавчинон” маҳалласида деҳқон оиласида таваллуд топган. Унинг болалиги оғир синовлар билан кечди. 1939 йилда отаси Ражаб отанинг вафотидан кейин оиладаги етти нафар фарзанд тарбияси ва рўзгор масъулияти меҳрибон ва матонатли она — Шарофат ая зиммасига тушди. Ўсмирлик йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келган Нарзи ака оиласига ёрдам бериш мақсадида меҳнат қилди: томоркада ишлади, бозорда юк ташиди. Аммо қийинчиликлар уни илмдан узоклаштирмади. У мактабдаги таҳсилни давом эттириб, аввал 22-сонли, кейин 21-сонли мактабда билим олди ва кейинчалик Тожикистон муаллимлар тайёрлаш институтига ўқишга кирди. Бу ерда олган билими унинг келгуси педагогик фаолияти учун мустаҳкам асос бўлди.

1949 йилдан бошлаб меҳнат фаолиятига киришган Нарзи Ражабов турли ҳудудларда ўқитувчилик қил-

ди, урушдан кейинги йилларда саводхонлиқни ошириш ва ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшди. Унинг ташкилотчилик қобилияти ва педагогик маҳорати эътибордан четда қолмади. 1952 йилда Самарқанд туманидаги 42-сонли мактабга ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари этиб тайинланди ва қарийб йигирма йил давомида таълим сифатини юксалтириш йўлида самарали меҳнат қилди.

Эътиборлиси, Н.Ражабов 1967-1982 йилларда туғилиб ўсган “Қавчинон” маҳалласи раиси сифатида фаолият юритиб, маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ҳамда жамиятда ҳамжихатликни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Шу билан бирга, Богдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти қошидаги 102-сонли мактаб директори сифатида таълим муассасасининг моддий базасини кучайтириш ва билимли авлодни тарбиялашга

алоҳида эътибор қаратди.


Нарзи Ражабовнинг ҳаёт йўлидаги энг ибратли воқеалардан бири — унинг инсонпарварлик ва маънавий юксаклигини яққол намоён этади. 2009 йилда фарзанди Мурод Ражабов отасини муқаддас Ҳаж зиёратига юбориш ниятини билдирди. Бироқ Нарзи ота шундай деди: “Агар мени рози қилмоқчи бўлсанг, шу маблагни халқ хизматиға сарфла. Қаровсиз қолган Ҳўжа Абду Берун зиёратгоҳи ва қабристони-ни обод қил”. Фарзанд отасининг дуоси ва васиятиға амал қилди. 2010 йилда мазкур зиёратгоҳ ҳудудида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада қаровсиз маскан обод, файзли ва зиёратчилар учун қўлай зиёратгоҳга айланди. Бу воқеа отанинг донишмандлиги ва фарзанд тарбиясидаги юксак маънавият намунаси сифатида аҳамият касб этди.

Нарзи Ражабов нафақат устоз ва раҳбар, балки мустаҳкам оила

Барчиной АКБАРАЛИ.

асосчиси сифатида ҳам ибратли ҳаёт кечирди. Бугунги кунда унинг 12 нафар фарзанди, 42 нафар невараси, 82 нафар эвараси ва 22 нафар чевараси бор. Бу эса унинг сермазун ҳаёти ва бой маънавий меросининг давомидир. Устознинг умри давомида амал қилган меҳнатсеварлик, маърифатпарварлик ва халқпарварлик ғоялари бугун ҳам ёш авлод учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.





Ўзбекистонда
2025 йилда
кибержиноятлар
орқали фуқароларнинг
2 ТРИЛЛИОН СЎМДАН
ОРТИҚ ПУЛЛАРИ
талон-тарож қилинган.



Бир йилда
шахсий автомобилни
СУҒУРТА ҚИЛИШ
ХИЗМАТЛАРИ ҚИЙМАТИ
қарийб 281,8 фоизга
ошган.




Юртимизда
нобуд бўлган
хайвонлар жасадини
КРЕМАЦИЯ ҚИЛИШ
ТАРТИБИ тўғрисидаги
низом давлат
рўйхатидан ўтказилди.

8

Mahalla

№48

2026 йил
17 июнь,
ЧОРШАНБА



НАМАНГАН

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



БУХОРО

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

ЛОҚАЙДЛИК ВА БЕФАРҚЛИККА БАРҲАМ БЕРДИК, ЮТҚАЗМАДИК, ФАҚАТ ЮТДИК

...Тунги соат 01 дан ошганда телефоним жиринглади. Экранда маҳалламиздаги Нуриддин аканинг исми кўринди. Дарҳол гўшаكنи кўтардим. У киши кўчамиздаги Назиров(исм-фамилия ўзгартirilган)лар оиласи дам олишга кетганини, аммо ҳозиргина уларнинг дарвозаси ёнида бир нотаниш машина тўхтаганини, ичидан икки киши тушиб, атрофга аланглаётганини маълум қилди.



Мадаминжон СИДДИҚОВ,
Давлатобод туманидаги
“Гулшан” маҳалласи
профилактика инспектори.

Маҳалла йигитлари билан биргаликда хонадон-га етиб бордик. Нотаниш кимсалар билан профилактик суҳбат ўтказилди. Нима учун бу ерга келганини суриштириб, шахсига аниқлик киритдик. Шу таразда бир кўнгилсизликнинг олди олинди. Агар Нуриддин ака “менга нима, уй меники эмас-ку”, деб лоқайд бўлганида, кўшнисининг йиллар давомида пешона тери билан йиққан мол-мулкига зиён етиши ҳам мумкин эди. Ҳа, мана шу каби сезгирлик, дахлдорлик ҳар қандай салбий воқеаларга тўсиқ бўлмоқда.



Жараёнда лоқайдлик ва бефарқликка барҳам бердик. Шу орқали ҳар қандай ёмонликни илдири билан суғуриб ташладик. Профилактика инспектори сифатида иш бошлаган илк кунимда майда ҳуқуқбузарликлар, кўшниллар ўртасидаги келишмовчиликлар ва тунги вақтларда бегона шахсларнинг юриши тез-тез қўлоққа чалинардик. Бугун эса энг хавфсиз, жиноятчиликдан холи ҳудудга айландик.

Бу натижага қандай эришдик? Биринчи навбатда, 9 минг нафардан ортиқ аҳоли яшовчи маҳалламизнинг ҳар бир кўчаси 70 та кузатув камераси билан таъминланди. Фаоллар, кўча бошилари ва фидойи ёшлардан иборат “Telegram” гуруҳини ташкил этдик. Бу шунчаки гаплашадиган жой эмас, балки тезкор ахборот алмашинувчи платформага айланди. Кўчада шубҳали бегона шахс юрибдими, бирор хонадон дарвозаси очик қолиб кетдими ёки тунда нотаниш автомобиль узоқ вақт туриб қолдими — маҳалла аҳоли дарҳол гуруҳга сурат ёки хабар юборадиган бўлди. Бу тизим менга ҳудудда бўлаётган ҳар бир ўзгаришдан сониялар ичида хабардор бўлиш имконини берди.

Яна бир энг катта ютуғимиз — одамлардаги лоқайдликни енгганимиз бўлди. Илгари “уйим тинч бўлса етади, бошқалар билан ишим йўқ”, деган тушунча бор эди. “Еттилик” ҳамкорлигида “хонадонбай” юриб, тушунтириш ишларини олиб бориши натижа-сида “Кўшнининг кўзи — маҳалла-нинг кўзи” тамойили ишга тушди. Кўшниси сафарга кетганда уйига кўз-қўлоқ бўладиган, ён-атрофда-ги болаларнинг ҳулқу одобига бе-эътибор қарамайдиган маҳалла-дошлар туфайли ҳудудда ўғрилик ва безориликка чек қўйилди.

Тинчлик, оқсоқилчиликни за-монавий технологиялар билан мустаҳкамладик. Энг муҳим чор-раҳалар, кириш-чиқиш йўллари ва қоронги кўчаларга видеоку-затув камералари ўрнатилди. Бу кузатув тизими хизмат хонамга ва навбатчилик масканига уланди. Камералар нафақат жиноятни фож этишга, балки унинг барвақт олдини олишга хизмат қилмоқда. Эндиликда қоронги тушганда ҳам кўчаларимиз кундузгидек хавфсиз.

Бугун биз эришган тинчлик — ҳар бир маҳалладошимиз-нинг уйғонган масъулияти ва ҳушёрлигидан бўлиб, жиноят-чиликни жилавланишига энг катта сири ҳам аслида шу ҳа-ракатларимиз мевасидир.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ
ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

ЖАМОАВИЙ МАСЪУЛИЯТ ҲАР ҚАНДАЙ ХАВФНИ БАРТАРАФ ЭТАДИГАН ТАМОЙИЛГА АЙЛАНГАН

...Маҳалламизда яшовчи, муқад-дам судланган ва спиртли ичим-ликларга ружу қўйган фуқаро сурункали ра-вишда оиласида жанжал чиқарар, кўни-кўшни-ларга кун бер-мас эди. Бир кўни ярим тун-да унинг хона-донидан бақир-чақир ва сина-ётган идишлар-нинг овози эши-тилди. Кўшниллар бу ҳақида хабар бериши билан воқеа жойига отландик.



Ферузжон БОЗОРОВ,
Ғиждувон туманидаги
“Памуза” маҳалласи
профилактика инспектори.

В зият жуда хавфли — агар салгина бепарво-ликка йўл қўйилса, оддий ои-лавий келишмовчилик мудҳиш жиноятга айланиши ҳеч гап эмасди. Биринчи босқичда “ет-тилик” билан келишиб, фуқаро-ни даволанишга йўналтирдик, қайтгач, ишга жойлаштирдик. Бугун ўша хонадонда тинчлик, кўшниллар хотиржам. Бу оддий воқеа жиноятнинг барвақт ол-дини олиш нечоғли муҳимлиги-ни аниқлатади.

Туман марказида жойлашга-нимиз, ён-атрофда йирик савдо шохобчалари борлиги учун ку-нига 7-8 минг нафар аҳоли тур-ли мақсадларда келиб-кетди.

Ушбу сон
саҳифаларидаги
барча мақолалар
матнини мусахҳих
Феруза ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.



Шунингдек, 2025 йилда рўйхат-га олинган 126 нафар профи-лактик назоратдаги инсонлар билан ишлаш осон кечмади. Амалга оширилган тезкор тад-бирлар туфайли бугун жиноят-чиликни жилавлан бора-сида яхши натижаларга эришяпмиз. Кичик жиҳатлар ҳам эътибор-дан четда қолмаётгани учун 3 йилдан бери “қизил” тоифа-дан тушмаётган йигин “сарик” тоифага ўтди.

Биринчи навбатда, 5 та катта кўча, 1 200 дан ортиқ хо-надон, 187 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси тўлиқ назоратга олинди. Саноат ҳу-дуди, таълим муассасаларида-ги вазиятни барқарорлашти-риш бўйича “йўл харитаси” шакллантирилди. Туман ички ишлар бўлими кўмағида 10 нафар тергов-тезкор гуруҳи аъзолари, патруль-пост ва

тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ, ходимларининг бириктирили-ши ҳам ижобий самара берди. Бундан ташқари, “еттилик” билан ҳамкорликда бир неча йўналишларда аниқ режа ту-зиб, “хонадонбай” тадбирлар ўтказяпмиз. Масалан, муаммо-ли оилалар билан ишлашда нотинч хонадонлар, ичкиликка ёки зарарли одатларга берил-ган шахслар иштирокида мун-тазам профилактик суҳбатлар бўляпти. Кўшниллар ёки оила аъзолари ўртасидаги майда маиший келишмовчиликлар катта адоватга айланиб кетмас-лиги учун уларни қонуний ва инсонийлик тамойиллари асо-сида муросасага келтиряпмиз.

Туман ички ишлар бўлими-га уланган кузатув камералари сони 100 дан ортиқ бўлиб, жи-ноятларнинг барвақт олдини олишда қўл келяпти. Хизмат

хонамдаги 32 та шундай қу-рилма билан тўғридан-тўғри ишлаш ва кузатиш имконияти яратилган.

Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлашни истардим. Маҳал-ла хавфсизлигига эришиш, бу — жамоавий масъулиятдир. Яъни, профилактика инспек-тори канчалик фидойи бўлмасин, агар маҳалла аҳоли ёнидан кир-маса, барчаси бекор. Бу борада ҳам яхши анъанага эгамиз. Му-аммони том маънода етти бор ўлчаб, биргаликда, маслаҳатла-шиб, ҳал қияпмиз.

Бир сўз билан айтганда, муваффақиятга йўл — бирдам-ликдан бошланаяпти. Чунки қачонки аҳоли бизга ишон-са, ўз муаммоларини қўрқмай айта олади. Шу боис уларга яқин бўлишга, тўй-маъракала-рида қатнашишга интиляпмиз. Яъни, профилактика инспек-торлари жазоловчи ёки қўрқи-тувчи орган вакили эмас, бал-ки биринчи навбатда, ҳимоячи ва яқин маслаҳатгўй бўляпмиз.


Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

НОМАЪЛУМ ҲАВОЛА КЕЛСА ОЧМАНГ, ҲАТТО ЯҚИНЛАРДАН ҲАМ

Дилдора НИЗОМОВА,
Учкўрғон тумани:

— Маълумки, бугунги кунда телефонга турли мазмундаги ҳаволалар келиши одатга айланиб борапти. Яқинда менга ҳам “сиз ютуқ соҳиби бўлдингиз” мазмундаги шубҳали хабар юборилди. Агар мана шу каби ҳаволани очсам, оқибати қандай тугаши мумкин?



Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Жамоат хавфсизлиги департа-менти ахборот хизмати ходими:

— Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда шахсга доир маълумотлар хавфсизлиги билан боғлиқ турли хабарлар кенг тарқалмоқда. Бу эса ҳар бир фуқарони янада ҳушёр ва масъулиятли бўлишга ундайди. Рақамли дунёда шахсий маълумотлар инсоннинг муҳим мулки ҳисобланади ва уни муҳо-фаза қилиш, аввало, фойдаланув-чининг ўзига боғлиқ.

Чиндан ҳам, юқоридаги каби ҳолатда “менга овоз йиғишда ёр-дам беринг”, “қартангиз блоклан-

ди”, “сиз ютуқ соҳиби бўлдингиз” каби ҳаволалар юбориш қўпайиб бормоқда. Афсуски, айрим ин-сонлар матнга алданиб, ҳаволага босади. Ана шу вақтда фирибгар-лар аккаунтни қўлга киритади. Шу билан янги босқич бошлана-ди. Энди фирибгарлар танишлар-рингизга “мен касалхонадаман”, “дорихонадаман”, “шошилич пул керак” каби мазмунда ёзишни бошлайди.

Натижада яқин инсонларин-гиз сезиниш номингиздан алдани-ши мумкин. Шунинг учун номаъ-лум ҳаволаларни очманг, шоши-либ қарор қабул қилманг, ҳатто, таниш инсонингиз юборган бўлса ҳам, текширишга одатланинг!



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY
NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380х587, 4 б.т.
8 919 нусхада чоп этилди.

Буюртма №: Г-620

